



ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НОРМАТИВ- ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Давлетов Икрам Рахимбергенович,
ТДИУ, Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD),
Email: i.davletov@tsue.uz, Тошкент, Ўзбекистон

NORMATIVE-LEGAL AND ORGANIZATIONAL BASIS OF REORGANIZATION OF LEGAL ENTITIES

Davletov Ikram Rakhimberganovich,
TSUE, PhD., Associate professor of the Department of Accounting,
Email: i.davletov@tsue.uz, Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: M1, M4, M45

Аннотация. Мазкур мақола бизнесни тугатишнинг муҳим босқичлари ва уларни амалга оширишнинг ташкилий-услубий жиҳатларига бағишланган. Жумладан, унда дастлабки тугатиш баланси (ДТБ) ва оралиқ тугатиш баланси (ОТБ) тушунчаларига муаллифлик таърифлари шакллантирилган, шунингдек уларни расмийлаштириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, тугатиш жараёнининг муҳим босқичи – активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштириш масалалари ёритилган.

Abstract. This article is devoted to the important stages of business liquidation and the organizational and methodological aspects of their implementation. In particular, were formed the author's definitions of the concepts of initial liquidation balance sheet (ILB) and interim liquidation balance sheet (ILB) and developed methodological recommendations for their formalization. Also covered an important stage of the liquidation process - the inventory of assets and liabilities and issues of recording its results.

Калит сўзлар: юридик шахс, бизнесни тугатиш, дастлабки тугатиш баланси, оралиқ тугатиш баланси.

Keywords: business liquidation, initial liquidation balance sheet, interim liquidation balance sheet

Кириш. Эркин бозор иқтисодиёти ва кучли рақобат шароитида юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг сабаблари хилма-хил бўлиши мумкин. Шу боис, қайта ташкил этиш шакллариининг ҳуқуқий ва иқтисодий мазмун-моҳияти ҳамда ташкилий-услубий таъминотини пухта билиш талаб этилади.

Аввало, унинг муайян вазият учун танланган ҳар қандай шаклини муваффақиятли амалга ошириш учун биринчи навбатда қайта ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини билиш лозим. Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларни қайта ташкил этиш жараёни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда қайта ташкил этишни тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий жиҳатлари батафсил ёритилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-моддасига мувофиқ: «юридик шахсни қайта ташкил

этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис хужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин»[1]. Демак, корхона таъсисчилари ёки уни таъсис этган орган муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда қайта ташкил этишнинг мақбул шаклини танлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш» номли 23-сон БҲМСига мувофиқ: «Корхона қайта ташкил этиш унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис хужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин: а) қўшиб юбориш; б) қўшиб олиш; в) бўлиш; г) ажратиб чиқариш; д) ўзгартириш» [3].

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш жараёнини тартибга солиш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинган бўлишига қарамадан, ушбу жараёни амалга оширишни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд.

О.В.Сошникова томонидан юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асослари, корхоналарни қайта ташкил этишда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий ворисларга ўтказилиши жараёнлари натижаларини хужжатлаштириш ҳамда ушба жараёнлани бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалалари ўрганилган[6].

Т.А.Чекалованинг ишларида қайта ташкил этиш жараёнининг муҳим элементи сифатида қайта ташкил этишга оид қонунчилик асосларини ўрганиш асосида унинг турлари ва шакллари,

ҳуқуқий ворис ҳисобланган корхонанинг устав капиталини шакллантириш масалалари тадқиқ қилинган[8].

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш масалалари Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан асосан юридик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган. Хусусан, Ф.К.Қутлимурадов, В.Р.Топилдиев, Г.М.Абдуганиевалар томонидан юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг амалий ва назарий масалалари юридик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган[5]. Ушбу ишларда юридик шахсларни ташкил этиш фақат юридик нуқтаи назардан ёндашилиб, унинг иқтисодий, хусусан ҳисоб-таҳлил ишлари ва ҳисобот тузиш масалалари ўрганилмаган.

Ўзбекистонлик соҳа мутахассисларидан К.Б.Уразов ва Ж.А.Абдурашуловлар томонидан корхоналарни қайта ташкил қилиш шакллари ҳамда уларни амалга ошириш тартиблари, шунингдек корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйилган умумий талаблар ёритилган [7]. Ушбу муаллифларнинг ишларида юридик шахсларни қайта ташкил этиш шакллари ҳамда ушбу жараёнларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалалари етарлича ёритилмаган ҳамда ҳисобот тузишнинг ташкилий-услубий таъминотидаги муаммолар эътибордан четда қолган.

Материал ва метод. Тадқиқот жараёнида юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-услубий жиҳатлари ўрганилди, мавзуга оид норматив-ҳуқуқий ва илмий манбалар таҳлил қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди.

Кўшиб юбориш ва кўшиб олишда тавсифловчи белгилар бирлаштириш ҳисобланади, яъни корхоналар активлари, мажбуриятлари ва капиталларини бирлаштирадидлар. Бўлиш ва ажратиб чиқаришда, аксинча, корхона активлари, мажбуриятлари ва капиталини бўлаклаш содир бўлади. Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида эса иқтисодий кўрсаткичлар таркиби ўзгармайди, фақат корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли

ўзгаради (ЎЗР ФК 49-моддаси). Келтирилган манбаларнинг дастлабки шарҳларига таяниб, юридик шахсларни қайта ташкил этиш шакллариининг хусусиятларини қуйидагича очиб бериш мумкин (1-жадвал).

Кўришиб турибдики, қонунчилик ва қонуности ҳужжатлари қайта ташкил этишнинг турлари билан чекланиб, уларда “юридик шахсларни қайта ташкил этиш” тушунчаси иқтисодий категория сифатида таърифланмаган.

жадвал-1

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш шакллари ва уларнинг хусусиятлари¹

<i>Шакллари</i>	<i>Белгилари</i>	<i>Қайта ташкил этиш моҳиятининг баёни</i>
<i>Кўшиб юбориш</i>	$A + B = C$	A ва B корхоналар ўз фаолиятларини тўхтатадилар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан ташкил этилган C корхонага ўтади
<i>Кўшиб олиш</i>	$A + B = A$	B корхона ўз фаолиятини тугатиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари A корхонага ўтади
<i>Бўлиш</i>	$C = A + B$	C корхона ўз фаолиятини тугатиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари A ва B корхоналарга ўтади
<i>Ажратиб чиқариш</i>	$C = C + A + B$	C корхона фаолияти тугатилмасдан, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми A ва B корхоналарига ўтказилади
<i>Ўзгартириш</i>	$A = A^*$	Қайта ташкил этилган A корхонанинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан ташкил этилган A* корхонага ўтади

Юқорида баён қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизими ва юридик шахсларни қайта ташкил этиш амалиётининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш қуйидаги дастлабки хулосаларни шакллантиришга имкон берди:

- амалдаги фуқаролик қонунчилигида “юридик шахсни қайта ташкил этиш” тушунчаси мавжуд эмас, фақат қайта ташкил этиш шакллари келтирилган. Илмий ва ўқув-услугий адабиётларда эса, қайта ташкил этиш деганда бир юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий ворислик

тартибида бошқасига қонун ҳужжатларида белгиланган ўтказиш тартиб-таомиллари сифатида баён қилинган;

- юридик шахсни қайта ташкил этишнинг ягона иштирокчилари юридик шахслар ҳисобланади;

- юридик шахсни қайта ташкил этиш – бу унинг фаолиятини универсал ҳуқуқий ворислик билан тўхтатиш сифатида тавсифланади, чунки қайта ташкил этишда ягона ҳуқуқий ворислик мумкин эмас;

- қайта ташкил этиш жараёни натижасида битта ёки бир нечта янги


¹ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

юрлик шахслар вужудга келиб, уларга ўз фаолиятини тўхтатган юрлик шахс иштирок қилган ҳуқуқий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўтади;

- қайта ташкил этиш тижорат битими ҳисобланмайди, балки юрлик шахслар ўз фаолиятларини тугатиши ва

вужудга келишининг қонунчиликда белгиланган усули ҳисобланади.

Натижалар. Шундай қилиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ юрлик шахсларни қайта ташкил этишнинг юқорида кўриб чиқилган шаклларини амалга ошириш икки турга бўлинади: ихтиёрий ва мажбурий (1-расм).



1-расм. Юрлик шахсларни қайта ташкил этишнинг туркумланиши²

Қоидага кўра, қайта ташкил этиш корхона таъсисчилари (иштирокчилари) ёхуд таъсис ҳужжатларига мувофиқ бунинг учун ваколатли бўлган юрлик шахснинг қарорига кўра амалга оширилади. Лекин, қонун билан белгиланган айрим ҳолларда, корхонани бўлиш ёки унинг таркибидан битта ёки бир нечта юрлик шахсларни ажратиб

чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ваколатли давлат органлари (масалан, монополияга қарши агентлик) ёки суднинг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадлари учун эса юрлик шахсларни қайта ташкил этишни амалга ошириш жараёнидаги фактлар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим.

² Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва амалиётни ўрганиш асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш» номли 23-сон БҲМСда бундай ҳужжатлар рўйхати келтирилган:

«Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш қуйидагилар мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилади:

а) қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг **таъсис ҳужжатлари**;

б) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ва мазкур БҲМСнинг 6-бандида кўрсатилган **муассислар қарори** ёки тегишли органларнинг қайта ташкил этишга **розилиги**;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш тўғрисидаги **шартномалар**;

г) **топшириш далолатномаси** ёки **тақсимлаш баланси**;

д) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, рўйхатга олувчи орган: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этишда янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги ёзувни; қўшиб олиш шаклидаги қайта ташкил этишда қўшиб олинган корхоналарнинг охириги фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзуни Реестрга киритганини **тасдиқловчи ҳужжат** ва ҳ.к»[3]. Демак, ушбу ҳужжатлар мавжуд бўлганидагина қайта ташкил этиш мақсадида молиявий ҳисоботларни шакллантиришга киришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ва мазкур БҲМСнинг 4-бандида кўрсатилган **муассислар қарорида**, қайта ташкил этишнинг аниқ шакли кўрсатилади.

Шунингдек, мазкур БҲМСнинг 6-бандига **мувофиқ**: «Корхоналарни қайта ташкил этиш ҳақидаги ахборотнинг молиявий ҳисоботда ёритиш қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ корхоналарни бўлиш ёки уларнинг таркибидан бир ёхуд бир нечта корхона ажратиб чиқариш шаклида корхоналарни қайта ташкил этишда корхонанинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи ёки ваколатли давлат органларининг (кейинги ўринларда - муассислар) қарорига ёхуд қонунда белгиланган ҳолларда суд қарорига асосан;

б) қонунда белгиланган ҳолларда корхоналарни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этишда ваколатли давлат органларининг розилигига асосан»[3]. Лекин, ҳозирча мазкур бундай қарорнинг намунавий шакли мавжуд эмас. Шу боис, мазкур қарорнинг намунавий шаклини таклиф қиламиз ва унда қуйидагиларни акс эттирилади:

- активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш **муддатлари**;

- ҳуқуқий ворислик тартибида топшириладиган (қабул қилинадиган) активлар ва мажбуриятларни **баҳолаш усули**;

- янгидан ташкил этиладиган корхона ва қайта ташкил этиладиган корхона устав капиталининг ҳажми ҳамда уни шакллантириш тартиби;

- қайта ташкил этиладиган корхоналар соф фойдасини тақсимлаш, шунингдек, қайта ташкил этиладиган корхонада топшириш далолатномаси (бўлиниш баланси) тузилганидан сўнг, унинг жорий фаолияти натижасида вужудга келадиган мажбуриятлари бўйича

жавоб берадиган шахнинг хусусиятлари. Ўз ФК 51-моддасининг 1-бандига мувофиқ: «топшириш ҳужжати (далолатномаси – Д.Р., Д.И.) ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак»³.Топшириш далолатномаси ва бўлиниш балансининг намунавий шакллари қонунчилик билан тасдиқланмаган, шу боис мазкур ҳужжатлар ихтиёрий шаклда тузилиши мумкин. Топшириш далолатномаси ва бўлиниш балансига қуйидаги иловалар киритилиши мумкин:

- молиявий ҳисобот;
- активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш **далолатнома (рўйхат)лари**;
- топширилаётган мол-мулкларга доир бошланғич ҳужжатлар;
- кредитор ва дебитор қарздорликларнинг батафсил рўйхати.

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш **қандай шаклда амалга оширилишидан қатъий назар**, бу жараёнда бухгалтер қуйидаги стандарт амалларни бажариши лозим:

1) қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатларда қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг активлари ва мажбуриятлари инвентаризация қилиниб, натижалари далолатнома(рўйхат)лар билан расмийлаштирилиши лозим. Бу ишни бажариш шунинг учун зарурки, қайта ташкил этиш жараёнининг иштирокчилари ўртасида

тақсимланадиган активлар ва мажбуриятлар рўйхати топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида акс эттирилади, бу ҳужжат эса инвентаризация якунида расмийлаштирилади. Активлари ва мажбуриятларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган бошланғич ҳужжатлар, шунингдек контрагентлар билан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномалари тўпланади.

2) ташкил этувчи субъектлар ўртасида тақсимланадиган мол-мулкларни бухгалтерия ҳисобида қайси баҳо бўйича акс эттириш масаласи аниқлаштирилади. Мол-мулклар эгаларининг қарорига мувофиқ қолдиқ қиймати (товар-моддий захиралар ҳақиқий таннархи, молиявий қўйилмалар бошланғич қиймати ва б.) ёхуд жорий бозор қиймати бўйича баҳоланиши мумкин. Баланс қиймати бўйича баҳолашдан фарқ қиладиган баҳолаш усули танланганида, баҳолаш натижасида ҳосил бўлган фарқ суммалар бухгалтерия ҳисобига эмас, балки бевосита молиявий ҳисоботга олиб борилади ва фақат кириш балансида акс эттирилади. Ўзгартирилган қиймат фақатгина соф фойда ҳисобига тузатилади, мазкур ҳолатда қўшилган капиталдан фойдаланиш кўзда тутилмаган. Қайта ташкил этилаётган юридик шахнинг мажбуриятлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган қиймати бўйича топширилиши (ўтказилиши) мумкин. Чунки, айнан мана шу сумма кредиторларга тўлаб берилади. Қайта ташкил этилаётган жамиятнинг акционерлари талабига кўра қайтариб сотиб олинган ва сотиб олиниши лозим бўлган акциялари жорий бозор қийматидан паст бўлмаган қиймат бўйича баҳоланади;

³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
<https://www.lex.uz/acts/111189>

3) топшириш далолатномаси (бўлиниш баланси) тузилади ва уни ҳисобот даври (йил) охирига ёки оралик молиявий ҳисоботни топшириш санасига тузиш тавсия қилинади. Ушбу ҳужжатни тузиш пайтидан, то корхона юридик шахс сифатида ўз фаолиятини яқунлаб, тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестри (ТСЯДР)га бу ҳақда ёзув амалга ошириладиган санасига қадар маълум давр ўтади. Қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг мол-мулклари ва мажбуриятларини баҳолаш ҳамда қайта баҳолаш билан боғлиқ жорий операциялар бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни давом эттирилади. Қайта ташкил этиш яқунлангунига қадар барча корхоналар одатдаги тартибда молиявий ҳисоботларини тузадилар. Шу боис, топшириш далолатномаси ёки бўлиниш баланснинг маълумотлари оралик ва (ёки) йиллик баланс, кейинчалик эса яқуний молиявий ҳисобот маълумотларига мос келмайди. Вужудга келган тафовутларни оралик, йиллик ва кейинчалик эса яқуний молиявий ҳисоботларга тушунтиришларда, шунингдек топшириш далолатномаси ёки бўлиниш балансига аниқликлар киритишда очиб бериш лозим.

4) қайта ташкил этиш натижасида ўз фаолиятини тўхтатган корхоналар яқуний молиявий ҳисобот тузадилар. Қўшиб юбориш, ўзгартириш ва бўлиш ҳолларида **яқуний молиявий ҳисоботлар** молия йилининг бошидан тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестри(ТСЯДР)га янгидан ташкил этилган корхоналар тўғрисида ёзувлар амалга оширилиш санасидан олдинги кунга тузилади. Қўшиб олишда эса, қўшиб юборилган корхоналарнинг сўнггисининг фаолияти тўхтатилганлиги (тугатилганлиги) ҳақида тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестри

(ТСЯДР)га ёзув амалга оширилган санадан олдинги кунга тузилади. Бу Ўз Р ФК нинг 49-моддаси 5-банди талаблари билан изоҳланади: «қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади»[1].

Яқуний бухгалтерия балансини тузишда корхона бухгалтериясида даромадлар ва харажатлар счетлари (9000-9910) тўлиқ ёпилиб, таъсисчилар қарор(шартномаси)га мувофиқ: тақсимланмаган фойда ишлатидаи (ёки қопланмаган зарар қопланади).

Қайта ташкил этишда топширувчи ва қабул қилувчи томонлар бўлмайди. Қайта ташкил этиш жараёнида битта ташкилот мол-мулкларини бошқага ҳақиқатда топшириш содир бўлмасдан, универсал ҳуқуқий ворислик, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича мол-мулклар қайтадан ташкил этилиб, фаолият бошлаган юридик шахс тасарруфида қолади. Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида бундай операциялар мол-мулклар ва мажбуриятларни сотиш деб ҳам, текинга бериш деб ҳам тан олинмайди. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобида топширувчи томонлар ҳеч қандай бухгалтерия ёзувларини амалга оширмайди (проводкалар тузилмайди). Молиявий ҳисобот шаклларида қаторлар бўйича жамлаш ёки чегириб ташлаш амаллари бажарилади. Қайта ташкил этишда иштирок этаётган юридик шахсларнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларининг кўрсаткичларини сатрма-сатр жамлаш керак эмас.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш таъсисчилар, ёхуд таъсис ҳужжатларига мувофиқ бунга ваколатли бўлган органнинг қарори билан амалга

оширилади. ЎзР ФК 49-моддасининг 6-бандига мувофиқ: «Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади[1]. Худди шу мазмундаги

таъриф №23 БХМСнинг 8-бандида ҳам келтирилган.

Шундай қилиб, юридик шахсларни қайта ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва амалиётини кузатиш натижаларига таяниб, унинг шакллари бўйича ҳуқуқий ворислик оқибатларини қуйидагича тақдим этишимиз мумкин (2-жадвал)

жадвал-2

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш шакллари бўйича ҳуқуқий ворислик оқибатлари⁴

Қайта ташкил этиш шакли	Ҳуқуқий ворис	Изоҳ
Қўшиб юбориш	Қўшиб юбориш натижасида янги вужудга келган юридик шахс (ЎзР ФК, 50-модда, 1-хатоши, ЎзР СК, 92-модда, 6-хатбоши).	Қўшиб юборилган ҳар бир юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига асосан янги ташкил қилинган юридик шахсга ўтади.
Қўшиб олиш	Бошқа юридик шахсни қўшиб олган юридик шахс (ЎзР Фуқаролик кодекси, 50-модда, 2-хатбоши, ЎзР Солиқ кодекси, 92-модда, 7-хатбоши).	Қўшиб олинган юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (шу жумладан солиқ қарзлари) топширик далолатномасига асосан қўшиб олган юридик шахсга ўтади.
Бўлиш	Юридик шахсни бўлиш натижасида вужудга келган янги юридик шахслар (ЎзР ФК, 50-модда, 3-хатбоши, ЎзР СК, 92-модда, 8-хатбоши).	Ҳуқуқий ворислар солиқларни бўлинган активлар ва мажбуриятлардаги ўз улушидан келиб чиққан ҳолда тўлайди. Ушбу улуш одатда бўлиниш баланси бўйича аниқланади.
Ажратиб чиқариш	Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажратиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш баланси-га мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади (ЎзР ФК, 50-модда, 4-хатбоши). ЮШ таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажратиб чиқарилганда қайта ташкил этилган юридик шахсга нисбатан унинг солиқ мажбуриятини бажариш қисми бўйича ҳуқуқий ворислик юзага келмайди. (ЎзР	Ажратиб чиқариш амалга оширилган корхона ўз фаолиятини давом эттирганлиги учун солиқларни тўлашда давом этади. Ажратиб шаклида қайта ташкил этилаётган ЮШ ўзининг солиқ мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажариш имкониятига эга бўлмаса ва бундай қайта ташкил этиш солиқ мажбуриятини бажармасликка қаратилган бўлса, ажратиб чиқарилган ЮШлар ушбу қайта ташкил этилган ЮШнинг солиқ мажбуриятига суднинг қарорига кўра солидар жавобгар бўлиши мумкин (ЎзР СК, 92-модда, 12-

⁴ Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва солиқ қонунчилиги нормаларини таҳлил қилиш ҳамда


амалиётни кузатиш асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган

	СК, 92-содда, 11-хатбоши).	хатбоши).
<i>Ташкилий-хуқуқий шаклини ўзгартириши</i>	Янги вужудга келган юридик шахс (ЎзР ФК, 50-модда, 5-хатбоши, ЎзР СК, 92-модда, 13-хатбоши).	Қайта ташкил этилган ЮШнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (шу жумладан, солиқ қарзлари) ташкилий-хуқуқий шаклини ўзгартирган ЮШга (аслида эса худди шу жамият) ўтади.

Таъкидлаш жоизки, корхона қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишни истисно қилган ҳолда янги вужудга келган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ҳисобланади. Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда қўшиб олинаётган корхона фаолиятини тугатаётганлиги ҳақидаги ёзувларнинг юридик шахслар давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб корхона қайта ташкил этилган

ҳисобланади.

Шунингдек, ҳуқуқий ворислик оқибатларидан келиб чиқадиган тафсилотларни: мол-мулклар ва мажбуриятларни ҳамда ҳисоботларни тақдим этиш; солиқлар, жарималар, пенялар бўйича мажбуриятлар, кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва ходимлар билан меҳнат муносабатлари қуйидагича тақдим этамиз (2-расм).



2- расм. Қайта ташкил этишда мол-мулклар ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворисларга ўтказиш ҳамда меҳнат муносабатлари⁵

⁵ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

Юридик шахсларни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш) бўйича юқорида шарҳланган норматив-ҳуқуқий манбаларнинг

нормаларини умумлаштириб, бевосита жараёни амалга оширишда қўлланиладиган ташкилий-фармойиш ҳужжатларини тақдим этамиз (3-расм).



3-расм. Юридик шахсларни қайта ташкил этишда асос бўлувчи ташкилий-фармойиш ҳужжатлари⁶

Қайта ташкил этиш натижасида пайдо бўлган юридик шахслар, ҳисобот даврининг бошланишига (давлат рўйхатидан ўтказилиш санасига) активлар

ва пасивлар тўғрисидаги маълумотларни дастлабки (кириш) бухгалтерия балансида акс эттирадilar. Ушбу маълумотлар топшириш далолатномаси (тақсимлаш

⁶ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалиётни ўрганиш асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган

баланси), шунингдек қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг қайта ташкил этиш даврида вужудга келган, топширилаётган активлар ва мажбуриятлар таркиби ва қийматининг ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда тузилган, якуний молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида шакллантирилади.

Шундай қилиб, корхоналарни қайта ташкил этиш масалаларини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий база анча хилма-хил бўлиб, фуқаролик қонунчилиги, махсус қонун ҳужжатлари нормалари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва бошқалардан иборат. Мазкур қонунчилик ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш натижаларини умумлаштириб, юридик шахсларни қайта ташкил этиш жараёнини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий тизим шаклланганлигини эътироф этиш мумкин.

Хулоса. Юридик шахсларни қайта ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мавжуд илмий-услубий манбаларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Юридик шахсларни қайта ташкил этишга доир қонунчилик ва қонуности ҳужжатлари хилма-хил бўлиб, улар қайта ташкил этишнинг шакллари ва

амалга ошириш нормалари билан чекланган. Аммо уларда “юридик шахсларни қайта ташкил этиш” тушунчаси иқтисодий категория сифатида таърифланмаган.

2. Қайта ташкил этишнинг ҳар бир турини (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) амалга оширишнинг ташкилий-услубий таъминоти қонуности норматив ҳужжатлари ва услубий тавсиялари билан ривожлантирилмаган.

3. Қонунчилик ва қонуности норматив-ҳужжатларида келтирилган ташкилий-фармойиш ҳужжатларининг (масалан, қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шартномаси, қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш тўғрисида мажлис баённомаси, топшириш далолатномаси ва б.) намунавий шакллари ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби ишлаб чиқилмаган.

4. Юридик шахсни қайта ташкил этиш – бу унинг фаолиятини универсал ҳуқуқий ворислик билан тўхтатиш сифатида тавсифланади, чунки қайта ташкил этишда ягона ҳуқуқий ворислик мумкин эмас.

5. “Юридик шахсларни қайта ташкил этишда молиявий ҳисоб ва ҳисобот тузиш бўйича услубий кўрсатмалар” ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111189>
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111189>
3. Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш. 23-сонли БҲМС. <https://lex.uz/acts/627304>
4. Абдуганиева Г.М., Топилдиев В.Р. Юридик шахсларни қайта ташкил этиш тушунчаси ва унинг моҳияти // “So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi” respublika ilmiy-uslubiy jurnali, Vol. 5 No. 1, 2022. 295-304 б.



5. Кутлымуратов Ф.К. Юридик шахсларни қайта ташкил этиш тушунчасининг назарий таҳлили // *Yurisprudensiya*. 3-жилд, 6-сон. 2022. 86-90 б. <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482859>

6. Сошникова О.В. О сущности реорганизации и отражении ее итогов в бухгалтерском учете // *Образование и право*. 2016. № 7, 138-141 стр.

7. Уразов К.Б., Абдурасулов Ж.А. Корхоналарни қайта ташкил этиш: моҳияти, шакллари, амалга ошириш тартиблари ва ушбу шароитда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар. *Иқтисод ва молия* / 2021, 5(141) 32-38 б.

8. Чекалова Т.А. Реорганизация юридических лиц: учет и законодательное регулирование // *Международный бухгалтерский учет*. 2012. №12. 27-35 стр.